

---

## Бағдодлик ҳоким ёрдамчиси вилоят кўрик-танловида 2-ўринни қўлга киритди

11 ноябрь – Ўзбекистон қасаба уюшмалари кунини муносабати билан Фарғона шаҳридаги “Афросиёб” тантаналар мажмуасида “Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!” шиори остида ўтказилган байрам тадбири соҳа фидойиларинини эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш мақсадида ташкил этилди.

Тантанада вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев, вилоят, шаҳар секторлари раҳбарлари, вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари, уюшма ходимлари, ҳамкор ташкилотлар, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Тадбирда сўз олган вилоят раҳбари Х.Бозоров бугунги кунда Фарғона вилоятида корхона-ташкилотларда 10 мингдан зиёд ишчи-ҳодимлар фидокорона меҳнат қилиб келаётгани ҳамда қасаба уюшмалари ишчи-ҳодимларни касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга, муносиб меҳнат шароитларини яратишда фаол иштирок этаётганига алоҳида урғу берди.

Байрам тадбирида Федерация томонидан эълон қилинган “Энг яхши сектор раҳбари”, “Энг яхши маҳалла фуқаролар йиғини раиси”, “Энг яхши аёл иш берувчи”, “Энг яхши ҳоким ёрдамчиси”, “Энг яхши ёшлар етакчиси”, “Энг яхши хотин-қизлар фаоли” каби танловларнинг вилоят босқичи ғолибларига диплом, пул мукофотлари, эсдалик совғалари тантанали топширилди.

– Менинг қисқа фурсатдаги камтарона меҳнатларим Ўзбекистон қасаба уюшлари Федерацияси томонидан ўтказиб келинаётган “Энг яхши ҳоким ёрдамчиси” кўрик танловида эътироф этилиб, вилоят босқичида фахрли 2-ўринга лойиқ кўрилди. Ростини айтсам, ҳозир ҳаяжондаман. Бу эътироф менинг келгуси фаолиятим учун катта масъулият юклайди. Албатта, билдирилган юксак ишончнинг ўзи меҳнатим билан оқлайман, – дейди Бағдод туманидаги “Чекхитой” МФЙ ҳоким ёрдамчиси Нурматжон Ғозиев.

Таниқли хонандалар томонидан ижро этилган дилбар тароналар йиғилганларга манзур бўлиб, байрамона кайфият улашди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2022-11-01 18:06:32